



Tadqiqot **uz**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих сағифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



No22
30 ноябрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
8-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
22-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-8**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
22-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-8**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 22-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 23 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АДАБИЁТ

1. Karimova Dilnoza BADIIY ADABIYOTDA OBRAZLILIK VA UNING NAMOYON BO'LISH SHAKLLARI.....	7
2. Нурматова Маствура Маҳмудовна ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДА ҲАДИСЛАРНИНГ ТАЛҚИНИ	9
3. Matchonova Feruza Qurbondurdiyevna, Djabborova Zulayxo Ismoilovna CHO'LPON SHE'RIYATIDA RAMZ VA TIMSOLLAR.....	12
4. Sodiqova Dilorom Tursunovna MUSLIHABEGIM MISKIN IJODIDA MUQADDAS QADAMJOLARNING AHAMIYATI	14
5. Nazokat O'rinooyeva MUMTOZ ADABIYOTDA MUMTOZ SO'Z TABIATI.....	16
6. Кудратова Саодат Нурматовна ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИКДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЖОДИНИНГ ҮРГАНИЛИШИ	18
7. Джураева Феруза Шукуровна АДАБИЁТ: АРАБ ХИТОБАЛАРИДА ИСТИОРА САНЪАТИ.....	20



АДАБИЁТ

BADIY ADABIYOTDA OBRAZLILIK VA UNING XUSUSIYATLARI BO'LISH SHAKLLARI

*Qorqalpoq davlat universiteti O'zbek filologiyasi fakulteti
2-kurs talabasi Karimova Dilnoza*

Annototsiya. Ushbu maqolada obraz atamasining o'ziga xos xususiyatlari haqida so'z yuritilgan. O'zbek adabiyotidagi badiiy obrazlarining o'ziga xosligi kabi qator jihatlari ochib berilgan.

Kalit so'zlar. Obraz, she'r, she'riy doston, she'riy drama, she'riy roman, poeziya, lirika

Har bir fan sohasi o'zining yetakchi xususiyatlari bilan boshqa fan sohalaridan ajralib turadi. Jumladan, adabiyotshunoslik ham. Adabiyotshunoslik nazariyasida eng muhim tushunchalardan biri bu – shubhasiz, badiiy asarda obrazlilik tushunchasi hisoblanadi. Obrazlilik nafaqat adabiyotshunoslik, balki keng ma'noda san'atning asosiy xususiyati, hayotni o'zlashtirishning o'ziga xos shakli va usuli, uning "tili" va shu bilan birga hayot hodisalari ustidan chiqargan "hukmi"dir. Badiiy obraz – obrazlilik tushunchasining o'zagi. Obrazlilik – adabiy ijodning mohiyatini, umumiyy xususiyatlarini: adabiy qahramon, badiiy til, tabiat, buyumlar, jismlar, narsalar, hayvonot dunyosi tasviri va hokazolarni o'z ichiga qamrab oladi. Obraz – san'at asaridagi inson tasviri. Demak, obrazlilik – keng ma'noda, badiiy obraz – tor ma'noda qo'llanilar ekan. Biroq shuni ham esda tutish kerakki, obraz atamasining o'zi ham keng va tor ma'nolarda qo'llanilishi mumkin. Keng ma'noda qo'llanilganda obraz tushunchasi doirasiga inson tasviridan tashqari, peyzaj, detallar, buyumlar, jismlar, hayvonot dunyosi, badiiy tasvir vositalari va hokazolar tushuniladi. Tor ma'noda qo'llanilganda esa faqat inson hayotining badiiy manzaralari anglashiladi, xolos. Obrazlilik, ayni choqda badiiylik ham demakdir[1.23]. Obrazlilik ham, badiiylik ham eng avvalo badiiy adabiyotning eng assosiy spetsifik ya'ni o'ziga xos jihatlaridan biri hisoblanadi. Belinskiy adabiyotning spetsifikasi deganda badiiylikni nazarda tutgan. Boshqa ko'pgina adabiyotshunoslар esa adabiyotning spetsifikasi – obrazlilik deb hisoblaydilar. Bu – tor talqindir, chunki obrazlilik umuman inson tafakkurining xususiyatidir. Badiiylik obrazlilikdan kengroq tushuncha. Badiiylik – san'atning hamma turlarining, shu jumladan, adabiyotning eng muhim spetsifik xususiyatidir. Badiiylik tushunchasiga obrazlilik kiradi, ammo badiiylik – faqat obrazlilikdan iborat emas. Adabiyotni badiiy qilgan narsa faqat obrazlilik bo'lmay, balki uning vazifalari, mazmuni va shakliga taalluqli ko'pgina xususiyatlardir. Obraz atamasi haqidagi ilk fikrlarni mashhur yunon faylasufi Aristotelning estetik qarashlaridayoq uchratish mumkin. Biroq Aristotel "Poeziya san'ati haqida" nomli asarida "obraz" atamasi o'rnida "mimesis" iborasini ishlatgan. "Mimesis" – taqlid demakdir. Binobarin, olim mimesis (obraz) turmushga taqlidan yaratiladi deb hisoblagan. "Obraz" atamasi birinchi marta mashhur nemis faylasufi Gegelning estetikaga oid asarlarida ishlataligan. Bu haqdagi jiddiy ta'limot ham ana shu olim qalamiga mansub. Gegel o'z estetik qarashlarida san'at haqida fikr yuritar ekan, "san'at – obrazlar orqali fikrlash" demakdir deb ta'kidlagan. Rus atamashunosligiga "obraz" atamasini, asosan, V.G. Belinskiy olib kirgan, bu ta'limotni takomillashtirgan. O'zbek adabiyotida "obraz" atamasi o'rniga XX asr bosqlarigacha "timsol", "tasvir", "nusxa" kabi iboralar ishlataligan. Asrimizning 20-30-yillarida o'zbek atamashunosligiga "obraz" atamasi kirib kelgan. Badiiy obrazlarning asosi so'z bo'lib, uning serqirra ma'no nozikliklarida jozibadorlik, emotsional-ekspressiv ta'sirchanlik va mantiqiy tugallik bo'lishi kerak. Barcha diniy obrazlar poetik tafakkur mahsuli bo'lib, ular xalqimiz hayotini, tabiat va jamiyatdagи voqeа-hodisalarni haqqoniy aks ettirishlari talab etiladi.



Keyingi yillarda o'zbek adabiyotining turli davrlarida yaratilgan asarlarining poetik obrazlarning o'ziga xosligi, tarixiy asoslari va badiiy xususiyatlariga bag'ishlangan qator asarlar yaratildi. Bu tadqiqotlarning barchasida poetik obrazlarning muayyan hayotiy asoslari mavjudligi, u so'zdan paydo bo'lib, so'zning ustqurmasi hisoblanishi qayd etilgan. Darhaqiqat, she'rning ta'sirchanligini, jozibadorligini, ijodkor ifoda usulining o'ziga xosligini ta'minlashda badiiy tashbehlar bilan bir qatorda poetik so'zning ham muhim o'rni bor.

Adabiyotlar

1. To'xta Boboyev. Adabiyotshunoslik asoslari. Toshkent – 2001



ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДА ҲАДИСЛАРНИНГ ТАЛҚИНИ

Нурматова Mastura Maҳмудовна
“Ал-Беруний” номли ҳалқаро мактабининг
араб тили ўқитувчиси
Тел :+998933771013
e-mail: mastura-2020@mail. Ru

Куръони Каримда илмли кишиларнинг ва устозларнинг мартабалари юксак даражаларга кўтаришини баён қилиб шундай дейди: “Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато қилган зотларни (баланд) даражса (мартаба)ларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабардордир”.

Анотация: Мақолада ўзбек халқ мақолларининг келиб чиқиши уларнинг ҳадиси шарифдаги талқини ҳамда тарбиявий аҳамияти акс этган. Чунончи араб халқ мақолларида ҳадис илмининг ўрни, ҳамда ҳадис орқали бизларга етиб келган мақоллар акс эттирилган.

Калит сўзлар: АЛЛОҲ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Ҳадис, Саҳоба, Юсуф Хос Хожиб, мақол, Маҳмуд Кошғарий, Тарих, Қуръон, Араб, Аҳмад Яссавий, Ислом, Сахро.

Оlamлар Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, оила-аъзолари, асҳоблари ҳамда қиёматгача уларга яхшилик или эргашган зотларга саловат ва саломлар бўлсин. Амма баъд:

Мақоллар халқ тажрибасидан ўтган воқеа-ҳодисаларнинг сўздаги ўзгармас ифодаси, десак, мулоға бўлмас. Мақолларда сўз қиммати алоҳида ёрқин ифодаланади. Чунки мақоллардаги сўзларни бошқаси билан алмаштириш, бирон сўз қўшиш мумкин эмас. Улар миллий тил таркибида қолиплашган ҳолда намоён бўлади. Бу жанр дунёдаги ҳамма халқлар оғзаки ижодида бор бўлиб, ҳажм, шакл, яратилиши мақсадига кўра муштарак ҳисобланади. Ҳатто номланишида ҳам яқинлик аниқ сезилади. Жумладан, арабларда “қавлун” – гап, сўз маъносини ифодаласа, тожикларнинг “зарбулмасал” атамаларида мисол келтириш, руслар “пословица”сида сўзлар билан фикрни ифодалаш, турклардаги “ота сўзи”да эса аждодлар фикрини эслаш маъноси етакчи. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида ҳам “сав” атамаси оталар сўзини эслаш тарзида келтирилган.

Халқ мақоллари тарихи ўнлаб асрлар билан ўлчанади. Ўрхун-Энасой битигларида “Ориқ ва семиз буқани (биров) тезагидан билса, биров ориқ ва семиз буқани ажратса олмайди”, “Юпқа қалин бўлса, тор-мор қиладиган баҳодир эмиш, ингичка йўғон бўлса, узадиган баҳодир эмиш” каби мақолни эслатувчи парчаларни ўқиймиз.

Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадгу билиг” асарида ўнлаб ҳикматли сўзларни учратамиз:
“Еса, ичса охир бари оч тўяр,
Кўзи оч очлигин ўлганда қўяр”.
“Кишига чиройдир уят-андиша,
У асрар ножӯя ишдан ҳамиша”.

Айнан шунга ўхшаш фикр Аҳмад Яссавий шеърида шундай келади: “Ал хаёю минал иймон” – Расул айтди, яъни Ҳадисдан олинган парча: “Ҳаё иймондан нишонадур”, - дейилади. Аҳмад Юғнакий “Ҳибату-л-ҳақойик” достонида “Вале кийсанг атлас, унутма бўзинг” мисрасини ёзади. Бу мисра “Бой бўлсанг, чоригингни унутма” ҳикматли сўзига мос келади.

Араб диёрлари ва қавмлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратлари – ҳаёт йўллари моҳият эътибори билан рисолат тарихидан иборатдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу рисолатни инсонларга етказдилар ва уларни ана шу рисолат орқали зулматлардан нурга, бандаларга кул бўлишдан Аллоҳга қуллик қилишга олиб чиқдилар. Бинобарин, рисолатнинг комил суратини тўлиқ чизиб кўрсатмоқ учун рисолатдан аввалги ва ундан кейинги ҳолатлар қиёслаб кўрилмоғи лозим. Шунинг учун даставвал арабларнинг қавмлари ва уларнинг Исломдан олдинги ҳолатлари хусусида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рисолат нурини олиб келганларида арабларнинг қай аҳволда эканлиги хусусида сўз юритамиз. Араб диёрлари «Араб» калимасининг луғавий маъноси сахролар, чўллар, гиёҳ унмайдиган, сувсиз ерлар демакдир. Ўзингиз билганингиздек буюк



пайғамбаримиз ҳам ана шу ерларда яшаб ўтдилар. Ислом динини ер юзига тарқатиша бор кучларини сарфладилар. Ҳамда ўзларидан умматларига буюк ҳадиси шарифларни қолдирдилар.

Дарҳакиқат, набавий ҳадисдан беҳожат бўлиш мумкин эмас. Албатта, ислом уммати ҳадисга юқори даражада қаттиқ эътибор қаратган. Тарих бундай эътиборга ҳеч ҳам гувоҳ бўлмаган. Бундай эътиборга сабаб сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

1) Саҳоба розияллоҳу анҳумлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис эштишга қаттиқ интилганлар. Бунга уларни набавий ҳадиснинг аҳамиятини яхши билгандари, Пайғамбаримизни қаттиқ яхши кўриб у зотга боғланиб қолганлари сабаб бўлган. Умар розияллоҳу анҳу ривоят қилиб айтади: Мени Ансорлардан Умайя ибн Зайд – у Мадинанинг юқори томони – қабиласидан бир қўшним бор эди. Биз навбатлашиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига борар эдик. Бир куни у тушса, бошқа куни мен тушар эдим. Қачон мен тушсам ўша кунда нозил бўлган ваҳий ва бошқа хабарларни олиб келар эдим. У ҳам тушганда ҳудди шундай қиласр эди[1].

Саҳоба розияллоҳу анҳумларни ҳадисга қаттиқ интилиш ва аҳамиятларидан ташқари, бошқа кўплаб омиллар ҳам етарли эди. Бу омиллар уларга ҳадисни тез ёдлаб олиш имкониятни берган. Жумладан,

А) Кучли зеҳнга эга эканликлари. Араблар Исломдан олдин ва исломнинг илк даврларида ҳам ушбу хусусият билан ажраб турар эдилар. Чунки улар ёзишга эмас, балки ёдлаб олишга суянардилар. Ҳаётнинг турли ташвишларидан узоқ эдилар.

Б) Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳадисни етказишидаги услублари. У зот қўйидаги услубларга риоя қиласидилар: Гапни яхши тушуниб ёдлаб олиш учун шошмасдан сўзлаш;

Гапни қисқа иборалар билан ифодалаш; Бу ҳам тез ёдлаб олишга имкон беради. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дона-дона сўзлар эдилар. Агар сановчи санамоқчи бўлса, санай оларди[2]. Бу гапни шошмасдан ва қисқа тарзда сўзлашни кўрсатади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам аввалда барча саҳобаларни ҳадисни ёзиб боришдан қайтарганлар. У зот: “Мендан ёзиб олманглар. Ким мендан Қуръондан бошқасини ёзиб олган бўлса, уни ўчирсинг”, деб марҳамат қилганлар[3]. Сўнгра Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу каби баъзи саҳобаларга ҳадисни ёзишга изн берганлар. У киши шундай ривоят қиласди: Мен ёдлаб олишими учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган барча нарсани ёзиб олар эдим. Курайш мени бундан қайтариб: Сен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган барча нарсани ёзиб олаверасанми? У зот ҳам инсон бўлсалар, ғазаб ва розилик ҳолатида гапирадилар, дейишди. Мен ёзиб юришдан ўзимни тийдим. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бу ҳакида айтдим. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам бармоқлари билан оғизларига ишора қилиб: Ёзавер, нафсим Унинг қўлида бўлган зотга қасамки бу ердан факат ҳақ (сўз) чиқади, дедилар[4]. У кишининг саҳифаларининг исми “Содико” бўлган. Бунга сабаб – Аллоҳ билувчи – Пайғамбаримизнинг қўйидаги хавфиси-рашлари бўлган.

Қуръондан баъзи нарсаларнинг зое бўлиб кетиши. Чунки ёзишни биладиганлар кам бўлган. Шу сабаб Абдуллоҳ ибн Амрни ҳадисни ёзиб бориши билан хослаганлар. Саҳоба розияллоҳу анҳумларнинг суннат сабабли Қуръондан чалғиб қолишлари. Шу сабаб Пайғамбаримиз уларга Қуръон улуғроқ эканини билдириб қўйганлар. Қуръон ёки унинг айрим сўzlари бўлсада бошқа нарсалар билан аралашиб кетиши. Бунга ёзиш воситаларининг озлиги сабаб бўлган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ томонидан бу нарсага хотиржам бўлгач, унга изн бердилар. Сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча ёзиш истагида бўлганларга рухсат бердилар. Балки гоҳида ёзишга буюрдилар ҳам.

Хуллас, ҳалқ мақолларида қайси мавзу, ҳаётнинг қайси соҳаси ҳақида фикр юритилмасин, танланган муаммо ҳар томонлама, атрофлича ёритилади. Буларнинг ҳаммаси ўзбек ҳалқининг асрлар давомида нақадар доно ва ақлли ижодкор фарзандларга эга эканини далиллайди. Ҳамда уламоларимизнинг ҳадис илмига ҳам қаттиқ эътибор қаратганликлари эътирофга лойик. Ҳақиқий мақолларнинг шаклланиши узоқ даврни қамрайди, аммо бадиий мукаммал ва ҳаёт тажрибаси акс этган мақолнинг умри боқий бўлади. “Қонни қон билан



ювиб бўлмас" мақолини Маҳмуд Кошғарий "Қаниф қан билан жумас" тарзда келтирган. Бу мақол олим қаламига тушгунига қадар неча асрлар яшаганини фақат тахмин қилиш мумкин. Кўриниб турибдики, мақолларнинг бадиий мукаммаллиги уларнинг ҳаётйлигини, умрбоқийлигини изоҳлар экан.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ҳозирги кунимизда ишлатилаётган айрим мақоллар ҳадислар асосида шаккланган .Хусусан, "...Ҳадислар ҳам мақолларнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида маълум даражада таъсир кўрсатган, аниқроғи, ҳадислар жонли сўзлашув жараёнида қайта ишланиб, янада ихчамлашиб, образлилик касб этган ҳолда хилма-хил мақоллар шаклида фаолроқ кўллана бошлаган. Масалан: Ҳазрати Ойша айтдилар: "Мен ўжар, бўйин бермайдиган тевага минган эдим, Расулуллоҳ уни урганимни кўриб: "Мулоим бўл, кимда мулоимлик бўлса, ҳусн ва камолотга эришади ва кимда мулоимлик хислати бўлмаса, у айбли ва нуқсонли бўлади", – дедилар". Мақоллар: Яхши гап билан илон инидан чиқади. Ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқади. Жўяли гапга тuya ҳам чўкади.

Сўзимни пайғамбаримиз Муҳаммад с.в.с.нинг уламолар ҳақидаги ҳадислари билан тугатмоқчиман:

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: "Илм талаб қилиш ҳар бир эркак ва аёлга фарздор".

Машҳур саҳобалардан ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос шундай ривоят қиласидилар: "Сулеймон алайҳиссаломга илмни мол ва мулқдан биттасини танлаш таклиф қилинганида, илмни танладилар, унинг сабабидан молга ҳам мулкка ҳам эга бўлдилар".

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ушбу ҳадисни имом Бухорий "Саҳиҳул Бухорий"нинг "Илм китоби" "Илмда навбатлаши боби"да 89-ракам остида ривоят қилган.
2. Ушбу ҳадисни имом Бухорий "Саҳиҳул Бухорий"нинг "Маноқиб китоби" "Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сифатлари боби"да 3568-ракам остида ривоят қилган.
3. Ушбу ҳадисни имом Муслим "Саҳиҳи Муслим"да "Зуҳд ва ракоиклар китоби" "Ҳадисдаги мустаҳкамлик" бобида 3004-ракам остида ривоят қилган.
4. Имом Абу Довуд "Сунан"да "Илм китоби"да 3646-ракам остида ривоят қилган.
5. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 91-99.
6. Ўзбек халқ мақолари. – Т.: Фан, 1978.
7. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Т., 1990. – Б. 44.



CHO'LPON SHE'RIYATIDA RAMZ VA TIMSOLLAR

*Matchonova Feruza Qurbondurdiyevna
Toshkent shahar Sergeli tumani
284-maktab ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi
Telefon:+998943188706
Djabborova Zulayxo Ismoilovna
Hazorasp tumani 24-maktab
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi
Telefon:+998990593170*

Annotatsiya: Ushbu maqolada Abdulhamid Sulaymon o'g'li Cho'lpone lirikasidagi bir qator she'rlar sujeti, o'ziga xos ramz va timsollari, mazmun mohiyati hamda ularda mavjud muhitning, tabiatning tasvirini yoritish; falsafiy mushohadakorlikning o'ziga xos tomonlari xususida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: "Binafsha", "Vijdon erki"she'rlari, insonlar, ramz, timsol, bo'ri, burgut, qush va qarg'a.

Vatanparvarlik tuyg'ularini kuylagan haqiqat va hurlikni e'tiqodiga aylantirgan o'zbek xalqini birdamlikka chorlagan shoir yangi o'zbek she'riyatining asoschilaridan biri Abdulhamid Sulaymon o'g'li Cho'lpontdir. Shoirning isyonkorlik ruhi bilan yo'g'rilgan poeziyasi bilan tanishar ekanmiz, ularda jamiyat, xalq, kelajak haqida qayg'urishlari Turkistonni ozod va hur mamlakatlar safida ko'rish orzusi kuyylanadi. Ijodkorning millat hurligini istovchi g'oyalar bilan sug'orilgan ramz va timsollarga boy bo'lgan she'riyati ko'pgina adabiyotshunoslar tomonidan turlicha baholangan. Cho'lpone she'riyatida hayotiylik bilan majoziylik omuxtalashib, birlashib ketadi. Shoirning "Buzilgan o'lkaga" she'rida ramzlar ijtimoiylik kasb etadi:

Uchar qushdek yosh yigitlar qayerda?

Tog' egasi sor burgutlar qayerda?

Bizga ma'lumki, o'zbek adabiyotida burgut-mag'rurlik, dovyuraklik ramzini ifodalaydi. She'rnинг mazmunini ifodalaydigan bo'lsak, bu o'lkada yovga qarshi chiqsa oladigan mag'rur va jasur yoshlar qayerda degan savol o'rtaga tashlanadi.

Yoki "Binafsha" she'rini olib qaraylik:

Binafsha, nimaga bir ozroq ochilmay,

Bir erkin kulmasdan uzilding?

Binafsha, nimaga hidlaring sochilmay,

Yerlarga egilding, cho'zilding.

She'rda ijodkorning fikri qaratilgan bahoriy gul binafsha timsolida ham hayotiy, ham majoziy ifodani toppish mumkin. Chetdan olib qaraganda shoir gul bilan suhbatlashayotganga o'xshaydi. Ammo she'rga sinchiklab nazar tashlasak, shoirning toptalgan yurtga yoki xo'rlangan qizga murojaatini tushunamiz. Yurtning ahvoldidan, xalqning qaloqligidan kuyungan ijodkor she'rda timsol va ramzlar orqali haqiqatni ifodalaydi:

Bo'rillardan omon kutmak – tentaklarning ishidir ul.

Har mane'ni hatlab o'tmak – turmushda eng to'g'ri bir yo'l.

Ushbu misrada shoir bo'ri timsoli orqali ochko'z va manfaatparast shaxslarni nazarda tutadi. Uning fikricha xalqdan ta'ma qiladigan, uning uchun qayg'urmaydigan manfur shaxslar bo'ri timsoli orqali gavdalananadi. O'zbek adabiyotida bo'ri ochko'zlik va munofiqlik ramzi sifatida qadimdan qo'llanib kelingan. Bo'ri timsoli shoirning boshqa she'rlarida ham uchraydi.

Nima uchun ko'zlarinda tutashguvchi olov yo'q?

Nima uchun tunlaringda bo'rilarining qorni to'q?

Bizga ma'lumki, bo'rilar hamisha qorong'uda qorin to'ydirish g'ami bilan yashaydi. Shoirning boshqa bir she'rida:

Yana qish: qor kafan yopildi yana,

Qarg'aga to'y, o'yin topildi yana!

Misralari keltirib o'tilgan. Bu she'rda shoir oddiygina tabiat hodisasini chizib berish bilan birga jamiyatdagi illatlarni ochib beradi. Qish – sovuq va shafqatsiz zamonni ifodalamoqda. O'sha vaqtлari jamiyatda marhumlarni ko'mish asnosida, amaldorlar ichkilik ichishni odat qilgan



edilar. Bunda qarg'a ramzi orqali ochko'z va manfaatparast amaldorlar qiyofasi olib beriladi. Boshqa she'rlarida ham qarg'a ramziga murojaat etiladi:

Qarg'alar bog'larda qag'lashib qoldilar,
Bilmadim kimlarning qismati uzilar...

Jamiyat nuqtayi nazaridan olib qaraydigan bo'lsak, bu she'rni quyidagicha ifodalash mumkin. Qarg'a tamagir insonlar ramzi. Qayerdandir tamagir insonlarning ovozi eshitilmoqda, bilmadim,balki ular qaysidir insonning ustidan hukm chiqarmoqdalar degan mazmun kelib chiqadi. Yana bir boshqa she'rida:

Qush bechora qo'rqa dururkim, uyasidan ayirgaylar,
Uyasidan ayirmoq-la, qanotini qayirgaylar,
Mayda simdan silliq qilib mohirona to'qilgan bir,
Qafas topib darchasini olib derlar: "Maskanga kir!"

Qush timsoli orqali inson obrazni olib beriladi va jamiyatning jirkanch illatlari tasvirlanadi. Mansabdor shaxslarning jamiyatda tutgan o'rni shu darajaga yetdiki, endi ular oddiy xalqning faoliyatini kuzatib boradilar va kun tartibini belgilab beradilar. Agar biror biror shubhali harakatni sezsalar, ular ustidan jiddiy hukm chiqaradilar.

Cho'lpon – isyonkor shoir. U o'zining hurlik haqidagi qarashlarini, o'zbek xalqining kelajagi haqida qayg'urishlarini asarlarida ramz va timsollar orqali bayon etadi. Biz shoirning she'riyati orqali vatanga muhabbat, erkinlikka umid, ma'naviy uyg'oqlik kuyini tinglaymiz. Asarlari orqali shoir tuyg'ularini his qilamiz. Tarixda jirkanch kuchlar qanchadan-qancha iste'dodlarni bo'g'ishga urinadi, ammo hurlik va haqiqat hurlik va haqiqat taslim bo'lmadi.

Foydalaniman adabiyotlar ro'yxati:

1. Qosimov B., Yusupov Sh., Dolimov U., Rizayev Sh., Ahmedov S. Milliy uyg'onish davri o'zbek adabiyoti. Toshkent. "Ma'naviyat", 2004.
2. Yo'ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo'ldoshbekov J. Adabiyot 7-sinf uchun darslik. Toshkent. "Sharq" Nashriyot matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahriri - 2013.



MUSLIHABEGIM MISKIN IJODIDA MUQADDAS QADAMJOLARNING AHAMIYATI

Sodiqova Dilorom Tursunovna
BuxDU o'zbek adabiyoti kafedrasi mustaqil izlanuvchisi,
Buxoro shahar 6-IDUM ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi
Telefon:+ 998936226368
E-mail:erkdil2004@mail.ru.

Annotatsiya: maqolada buxorolik zullisonayn shoira Muslihabegim Miskin ijodida tilga olingan Islom olami, uning qonun-qoidalari hamda shoira tashrif buyurgan muqaddas qadamjolar va ziyyaratgohlar xususida ma'lumot beriladi.

Kalit so'zlar: qadamjo, ziyyaratgoh, Xo'ja Buzurg, Bahouddin Naqshband, Yusuf Hamadoniy, Abdulholiq G'ijduvoniy, Boboyi Samosiy.

Har bir ijodkorni chin ma'noda ijodkor qiladigan xususiyatlardan biri izlanishdir. Izlangan, kuzatgan, tajriba to'plagan inson yanada chiniqadi, iqtidor esa uni kuchliroq qiladi. Ana shunday iqtidor egalaridan biri buxorolik shoira Muslihabegim Miskindir.

Muslihabegim Miskinni quvvatlantirgan, ilhomlantirgan asosiy mavzulardan biri Islom olami, uning qonun-qoidalari, taqvodorlik va yetakchi din peshvolaridir. Miskin Buxoro farzandi ekanligi unga Islom dini va olami bilan yanada yaqinroq tanishish imkonini beradi. Bo'lg'usi shoira diniy ilmlarni egallash uchun qulay sharoitda voyaga yetgan. Aynan XIX asrning boshi va XIX asrning ikkinchi yarmida Turkiston hududida, xususan, Buxoro amirligida mulla va eshonlar, shu bilan birga, otinoylar mudarrislik vazifasini ham o'taganlar. Amirlikdagi zulmdan aziyat chekkan jabrdiyda xalq asosan ziyyaratgohlar va qadamjolarga borib, tom ma'noda qalblariga malham istaganlar.

Shoira Miskin diniy bilimlarni egallash bilan birga, Buxorodagi qator ziyyaratgohlarga ham tashrif buyurganligi uning devonlarida uchraydigan ijod namunalarida o'z aksini topgan. Miskin ko'proq Xo'ja Buzurg qadamjosiga borganligini taxmin qilish mumkin, zero, uning ijodida mazkur qadamjo hamda Xo'ja Buzurg haqidagi ma'lumotlar va satrlar salmogli o'rinn tutadi. Xo'ja Buzurg kim? Xo'ja Buzurg Bahouddin Naqshband bo'lib, bu haqida Abdurahmon Jomiy o'zining "Nafohat ul-uns" asarida ma'lumot beradi. Shoир ushbu asarida X'aja Buzurg (Naqshbandiy) va Muhammad Porsolarning uchrashuv jarayonini tasvirlaydi[1.55].

Bahouddin Naqshband xalq orasida "Balogardon" (ya'ni duo bilan balo-qazoni daf qiluvchi) unvoni bilan mashhur. Xoja Bahouddin Naqshband-mashhur avliyo, naqshbandiya tariqatining asoschisi sanaladi. O'z ta'limotini yaratishda Yusuf Hamadoniy va Abdulholiq G'ijduvoniy nazariyalariga asoslangan. Ta'limotining asosida "Dil ba yor-u, dast ba kor" ("Ko'ngil Xudoda bo'lsin, qo'ling mehnatda") degan shior yotadi. Buxorodan 10 kilometr shimoli-sharqda Qasri Orifon qishlog'ida joylashgan Hazrat Bohouddin Naqshband ziyyaratgohi shoira Miskin yashagan davrda ham, ayni paytda ham nafaqat yurtdoshlarimiz, balki butun dunyo musulmonlari uchun tabarruk qadamjolardan sanaladi.

Muslihabegim Miskin uchun ham Bahouddin Naqshband ahamiyatli zot ekanligini anglash mumkin. Miskinning 1962-raqamli devonida "Miskin dar martabai Barxurd Hazrat Og'oi Buzurg gufta..." sarlavhasi bilan tartib berilgan masnaviysi buning yaqqol dalilidir:

Zi qudrat ofaridi shohi olam,
Ki bud sardaftari avlodni odam.
Ki farzandi rasuli olamin ast,
Og'oi Buzurg ro'yি zamin ast [2;197].

Mazmuni: Olloh taollo uni ajib xislat bilan, insonlarning avlodni, payga'mbar amallarining davomchisi, bu zaminning Og'oyi Buzrugi qilib yaratdi.

Shu bilan birga, shoira o'z she'rlarida Bahouddin Naqshbandiyga Xo'ja Buzurg yoki Ag'o (Og'o) deb murojaat qilganligini ko'rish mumkin. E'tiborlisi, devonda bu murojaatlar ham o'zbek, ham fors-tojik tillarida uchraydi. Jumladan, uning "Bul g'arib bechoraga pirdan nazar bo'lg'aymukin..." deb boshlanuvchi g'azalida quyidagi satrlar mavjud:

Bul g'arib bechoraga pirdin nazar bo'lg'aymukin,
Nola qilsam men agar pirga asar qilg'aymukin.
Sidq-u ixlosim bila keldim pirim ostonig'a,



Ey birodarlar, manga pirdan nazar bo‘lg‘aymukin.
Man tushubman bul jahoni bevafo savdosiga,
Naylayin, ey do‘sstar, pirdin nazar bo‘lg‘aymukin.
Hosili umrimni o‘tkardim bu g‘aflatxonada,
Nochor qoldim bu yo‘lda, yo hazar qilg‘aymukin.
Men umid ila kelibman qilma navmid, ey Ag‘o,
Miskini bechorag‘a shoyad nazar bo‘lg‘aymukin [2;207].

Ayonlashdiki, shoira tang, nochor holatida pirdan umidvor bo‘lib zorlanadi, ahvoliga nazar solishini iltimos qiladi. Iqtibos keltirilgan g‘azalda Muslihabegim butun umrini g‘aflatda o‘tkazganligi, pirning ostonasiga umid qilib, sidq-u ixlos bilan borganligi va undan najot tilash holatlari uchraydi.

Yuqoridagi misralardan shu narsa ayonlashadiki, shoira hayoti davomida bir qator qiyinchiliklarga duch kelgan, dardiga malham izlab, aziz avliyolardan madad so‘rab, ularning dargohiga tez-tez ziyyaratga borgan. Shoira ko‘p tashrif buyurgan ziyyaratgohlardan yana biri Buxoro viloyati Romitan tumanida joylashgan Boboyi Samosiy qadamjosidir.

Samosiy, Xoja Muhammad Boboyi Samosiy – xojagon naqshbandiya tariqatining yirik namoyandası, buxorolik yetti pirning beshinchisi. Xoja Ali Romitaniydan tahsil olib, uning vafotidan so‘ng xojagonlik tariqatini boshqargan. Bahouddin Naqshband tug‘ilganda uni ma’naviy farzandlikka qabul qilib, Sayyid Mir Kulolga Bahouddin tarbiyasi bilan shug‘ullanishni topshirgan. Samosiy bog‘bonlik bilan kun kechirgan [3;2].

“In g‘azal az baroyi Hazrat Boboyi Samosiy..”sarlavhali fors-tojikcha g‘azali misolida, darhaqiqat, shoiraning ushbu zot ziyyaratiga borganligiga amin bo‘lish mumkin:

Omadam bahri ziyyarat in zamon dar oston,
To shavad oson maro in mushkuli bor garon[2;19].

Mazmuni: Bu zamon ko‘p miqdorda yog‘iladigan mushkulim oson bo‘lsin degan maqsadda ziyyarat uchun ostonasiga keldim.

Dardmandam, mustamandam bahri darmon omadam,
Yak nazar sozed maro, ey oftobi du jahon[2;19].

Mazmuni: Dardliman, qayg‘uliman, darmon istab keldim, Ikki jahoning oftobi menga bir nazar soling.

Osiyam, bechoraam, doram ba dil sharmandagi,
Zi on ki on holi taboham bar shumo boshad ayon[2;19].

Mazmuni: Osiyman, bechoraman, ko‘nglimda sharmandalik bor, toki xarob bo‘lgan ahvolim sizga ayon bo‘lsin.

Omadam, ey hazrati Bobo, man az bahri davo,
Zi rahi ixlos benihodam sari xud oston[2;19].

Mazmuni: Hazrati Bobo, davo istab, ixlos qilib ostonaga keldim.
Bekas-u sargashta-yu hayron-u muztar mondam,

Mekunam har ro‘z-u shab man nola-yu oh-u fig‘on[2;19].

Mazmuni: Kimsasiz, sargardon-u, hayron-u nochor qoldim, Kun-u tun men nola va oh-u fig‘on qilaman.

Miskini bechoraam- aftoda dar girdobi g‘am,
Rahm kun bar holiman, yo rab, ba haqqi nazdigon[2;19].

Mazmuni: G‘am girdobida qolgan darmonsiz, bechora, faqir Miskinman,
Yo rab, suyuklilaring qatori menga ham rahm qil[2;19].

Xulosa o‘rnida ta‘kidlash lozimki, Miskinning o‘z devonida tarixiy qadamjolar, tarixiy shaxslarni tilga olishi alohida ahamiyat kasb etish bilan birga, tarix sahifalarida hali o‘rganilmagan ma’lumotlarni yuzaga chiqarish uchun o‘ziga xos topilmadir. Zero, Miskin nigohidagi , zamonidagi tarixning in’ikosi bo‘lgan ushbu devon nafaqat adabiy sohada, balki tarixiy-falsafiy, ijtimoiy-diniy sohalarda ham juda qadrli ekanligini tan olish bilan birga, yangi tadqiqotlarga chorlov bo‘lishiga shubha yo‘q.

Foydalilanigan adabiyotlar:

1. Ma’naviyat yulduzları.-Toshkent: A.Qodiriy nomidagi “Xalq merosi”,1999.
2. O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi qo‘lyozmalar fondi. Inv.1962.
3. Uz.wikipedia.org/wiki/Samosiy.



MUMTOZ ADABIYOTDA MUMTOZ SO‘Z TABIATI

*Nazokat O‘rinboyeva
O‘zbekiston Milliy universiteti
o‘zbek filologiyasi yo‘nalishi 215-guruh talabasi
nnazokat71@gmail.com*

Annotasiya. Ushbu maqolada mumtoz adabiyotda badiiy so‘z qudrati, mumtoz adabiy manbalar, Alisher Navoiyning badiiy so‘z xususida bildirgan fikrlari, XX asr boshlarida badiiy so‘zga munosabat haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: mumtoz adabiyot, badiiyat ilmi, badiiy so‘z, insonning shariflik belgisi, so‘z san’ati, obyektiv borliq.

Milliy mumtoz adabiyotning ildizlari adabiyotning so‘z san’ati sifatida vujudga kelishi yoki umuman san’atning kelib chiqishi masalasi bilan bog‘liq. Musulmon olamida so‘zga dunyoning ibtidosi va intihosi sifatida qaraladi. Nafaqat islamda, balki nasroniylik manbalarida ham avval so‘z bor edi deya e’tirof etiladi, barcha ulug‘ adiblar so‘zga insonning shariflik belgisi sifatida qaraganlari ma’lum. Mumtoz adabiyot davr, zamon nuqtai nazaridan ham, adabiy qonuniyatlar ustuvorligi jihatidan ham adabiyot tarixining ayniyati emas. Chunki adabiyot tarixini, xususan, o‘zbek adabiyoti tarixinining ildizlari juda qadimgi zamonalarga borib taqalsa-da, o‘zbek mumtoz adabiyotining shakllanishi VIII-XI asrlarga to‘g‘ri keladi. Shunday ekan, mumtoz adabiyot shakllanishiga ta’sir ko‘rsatgan omillar sifatida shu adabiyot shakllangunga qadar vujudga kelgan xalq og‘zaki adabiyoti namunalari, axloqiy yo‘nalishdagi ta’limiy adabiyot namunalari: diniy, siyosiy, tarixiy yo‘nalishda bitilgan ilmiy adabiyotlarni belgilash mumkin.

“So‘z san’atining boshi folkloradir», degan fikrni adabiy hodisalarini o‘rganishga jalb etadigan bo‘lsak, o‘zbek mumtoz adabiyoti qariyb ming yillar davomida xalq ijodi an’alariga suyangani, undan manbalar va mavzular olami sifatida doimo oziqlanib kelganini kuzatish mumkin. Bu haqda professor N.Mallaev: So‘z san’ati tarixi folklor bilan boshlanadi, u yozma adabiyotning vujudga kelishiga zamin, uning taraqqiyotiga boy ma’naviy-badiiy manba sifatida xizmat qiladi, ayni chog‘da, yozma adabiyot ham folkloarning takomiliga samarali tasir etadi, - deb yozgan edi. Mahmud Koshg‘ariyning «Devonu lug‘oti-t-turk» asari tarkibida kelgan turkiy xalqlarning folklori namunalari, xususan, Alp Ertonga marsiyasi dastlab mashhur qahramon haqidagi og‘zaki ijod durdonasi sifatida yashagan, so‘ngra mumtoz adabiyotda Afrosiyob obrazining yaratilishiga asos bolgan.

Mumtoz adabiyotda badiiy so‘zga munosabat turli davrlarda turlicha kechganiga qaramay u asosan, quyidagi ma’nolarda : so‘z- dunyoning ibtidosi, Qur’oni karim, insonning shariflik belgisi, nafis adabiyot, badiiyat ilmi sifatida qo‘llaniladi. Ushbu munosabatlar silsilasidan badiiy so‘z, ya’ni badiiy adabiyotning asosiy materiali, quroli, ifoda vositasi sifatida shakllangan.

So‘z xususida so‘z ketganda, Jaloliddin Rumiyning : “So‘z Haqning soyasi... Insonni soya o‘ziga tortar ekan, unda haqiqat yanada yaxshiroq ko‘rinadi. Har narsaning asli—so‘z.. So‘z amal daraxtining mevasidir. Chunki u amaldan tug‘iladi. Ulug‘vor Tangri olamni so‘z bilan yaratdi va “bo‘l!” deyishi bilan bo‘ldi...”

So‘z mulkining sultonı Alisher Navoiy o‘zining asarlarida so‘zning yuqorida keltirilgan hamma ma’nolari o‘z aksini topgan. Ular orasida badiiy so‘z, ya’ni insonning fitrati, yaratuvchanligi, vujudga kelgan. So‘z-asar alohida ta’limot orqali o‘rganilgan. Alisher Navoiydan keyin yaratilgan ilmiy va badiiy manbalarda ham so‘zning ulug‘vor qudrati o‘z aksini topgan.

Turk tilidagi adabiyotshunoslikka oid manbalar orasida so‘z san’ati va uning xususiyatlariga doir nislbatan yirik manba SHayx Ahmad Taroziyning “Fununu-l-balogs‘a” asaridir. Risola besh qismdan iborat bo‘lib, adabiy tur va janrlar, aruz ilmi, qofiya, she’r san’atlari va muammo ilmiga bag‘ishlangan. X Vasning birinchi yarmida yaratilgan bu manba mumtoz adabiyotshunoslikning mayjud ko‘pgina sohalarini o‘z ichiga olgani uchun ham bu asarga nafaqat badiiylik tabiatining yorqin namunasi sifatida qaraladi.

Bundan tashqari Fuzuliy, Amiriyy, Nodira, Ogahiy devonlarida so‘z san’ati va uning betakror xususiyatlariga ham alohida to‘xtalgan. Ayrim jodkorlar badiiy asarlar yoki ularning tarkibida so‘z haqida so‘z aytish bilan cheklanmay, bu borada alohida ilmiy-ma’rifiy risola bitib (she’riy yo‘lda) o‘z mulohazalarini bildirganlar .



XX asr boshlariga kelib, badiiy so‘z haqidagi qarashlar o‘zgardi. G‘arb adabiyoti ta’sirida so‘z san’atiga nisbatan yangicha qarashlar vujudga keldi. Agar Arastu hakim adabiyotni « tabiatga taqlid», deb tushintirgan bo‘lsa, nemis olimi Xege so‘zni « obyektiv borliqning subyekti ifodasi» deydi. Lev Tolstoy so‘zga munosabatda « adabiyot- kishilar o‘rtasidagi tuyg‘ulararo muloqotdir» deb ta’rif bergen. Abdurauf Fitrat « She’r va shoirlik» kitobida she’rni « kalomi maq‘zuni muqaffa», ya’ni « vaznga va qofiyaga solingan she’r», deb aytadi.

Yangi davr adabiyotimizda ham so‘z sehri haqidagi juda ko‘plab asarlarni uchratish mumkin. Masalan, Alibek Rustamovning “So‘z xususida so‘z” asarida ham so‘z haqida anchayin zamonaviy fikrlar keltirib o‘tilgan.

Foydalaniman adabiyotlar:

1. Shayx Ahmad Taroziy. Founu-l- balog‘a.
2. Anvar Hojiahmedov. Badiiy san’atlar va mumtoz qofiya. T. : Sharq. 1998.
3. Jaloliddin Rumi. Fixi ma fixi. T. : O‘qituvchi, 2005.
4. Izzat Sulton. Adabiyot nazariyasি. T. : 2013.



ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИКДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЖОДИННИНГ ЎРГАНИЛИШИ

*Кудратова Саодат Нурматовна
Тошкент вилояти Зангиота тумани
36-умумий ўрта таълим мактаби
она тилини ва адабиёт фани ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада Абдулла Қодирий асарларидағи миллатпарварлик севги ва мухаббат адаолат учун кураш ва инсонийлик дек юксак ғоялар улуғланлиги, китобхонга маънавий озуқа бериш билан бирга ватанпарварлик руҳида тарбиялаши акс этилади.

Калит сўзлар: “Мехробдан чаён”, “Ўтган кунлар”, “Обид кетмон”, “Миллатимга”

Абдулла Қодирий XX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндадаридан биридир. Қодирийнинг ўзбек адабиёти ривожида ўрни бекиёс. “Ўтган кунлар”, “Мехробдан чаён” асарлари билан у ўзбек романчилигига асос солди. Қодирийнинг дастлабки машқлари 1913-1914 йилларда илк бора нашриёт юзини кўрди. Ёзувчининг илк шеърлари “Миллатимга”, “Аҳволимиз”, “Тўй”дир. Унда Қодирий ғафлатда, жаҳолат ботқоғида қолган халқининг аҳволини алам билан ёрқин деталлар орқали таърифлайди:

— объектив туриб, ўтган XIX аср ўрталаридағи Туркистон тарихининг, ўзбек халқи хаётининг ҳаққоний манзарасини беради, муҳим тарихий жараёнларни чуқур бадиий таҳлил этади, даврнинг етакчи ижтимоий кучлари моҳиятини очади, ўша замон кишиларининг ахвол руҳияти, орзу интилишлари, қувонч ва ташвишларини фавқулодда бир маҳорат билан ёрқин образлар орқали кўрсатади. Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, Офтоб ойим, Ўзбек ойим, Ҳасанали образлари орқали адиб милллий тимсоллар яратди. Романда инсон эрки, муҳаббати масаласи билан бир қаторда Россияга муносабат муаммоси ҳам катта ўрин тутади. Асар қаҳрамонларидан Отабек роман бошларида ёз даврининг илғор кишиси илгари суриши мумкин бўлган қарашларни, яъни Россиянинг давлат қурилиши, қонунлари, тартиблари, маориф ва маданияти жуда ибратли эканлиги, лекин Туркистон унга қўшилиши мумкин эмаслиги Тўғрисидаги фикрни суҳбатдошлари ўртасига ташлайди. Ҳеч бир инсон ўз халқининг қул бўлишини истамаслиги эътиборга олинса, Отабекнинг бу қарашлари юксак миллатпарварлик руҳи билан сугорилган ғоялар эканлиги яққол аён бўлади. Шунга қарамай, Отабекнинг мазкур ғоялари Абдулла Қодирийни Туркистоннинг Россияга қўшилиши прогрессив аҳамиятини англамасликда ва “миллатчи”, “халқ душманни” сифатида айблаш учун бир дастак тарзида фойдаланилган.

1926 йилдан бошлаб адиб иккинчи тарихий романи “Мехробдан чаён” асари устида ишлади. Асарнинг “Мехробдан чаён” деб Адибнинг ана шундай асарларидан “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” романлари унинг ижодида энг катта ҳодиса даражасига кўтарилиди. Қодирий бу романда ҳам такрорланмас гўзал тимсоллар Анвар, Раъно, Солиҳ маҳдум, Ниғоройим, Султонали, Сафар бўзчи, Абдураҳмон образларини яратди. Романда муҳаббат масаласига турли табака вакилларининг муносабатини кўрсатиш орқали ёзувчи XIX аср ўрталаридағи тарихий шароитнинг ҳаққоний манзараларини чизишга, бир томонда жабрзулм авж олганлигини, иккинчи тарафдан эса адолат учун кураш сўнмаганлигини ёрқин гавдалантиришга муваффақ бўлган. Фақат мазкур асар “Ўтган кунлар” романи даражасида мукаммал чиққан деб ҳисоблаш қийин, чунки ундаги баъзи воқеалар ва руҳий жараёнлар тасвирида бадиий далиллаш санъати етишмагандек туюлади. Хусусан, Анварнинг жаллодлар қўлидан осонлик билан қуткарилиши асардаги энг заиф далилланган ўринлардан ҳисобланади. Умуман олганда, Абдулла Қодирий юқоридаги иккита тарихий романни билан бадиий ижодда энг жиддий муваффакиятга эришди. Замонавий асарларида эса ёзувчи романлари даражасидаги ютуқларни кўлга кирита олмади. Чунончи, замонавий мавзуда ёзилган Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон” повести натуралистик тасвир унсурларининг ортиб кетиши туфайли мукаммал асар даражасига кўтарилиди. Шунга қарамай Абдулла Қодирийнинг кўпчилик асарлари катори “Обид кетмон” киссаси ҳам ўз даврида ҳақиқий баҳосини ололмади. Вульгар социологизм оғуси билан заҳарланган, фақат “синифий ёндашиш” нигина мезон қилиб олган, аслида чинакам илмий талқиндан узоқ, ўта ўжар, жоҳил танқид бу ўзига хос қисса моҳиятини бузиб, уни мафкуравий хатоларга тўла, “сиё-



сий тутуруғсиз” асар деб эълон қилди. (Ж.Шарифий, Олим Шарафиддинов. “Обид кетмон” ҳақида“. “Қизил Ўзбекистон”, 3.06.1937.).

“Обид кетмон” кейинги ўттиз йил ичида ҳам ўзининг муносиб баҳосини олгани йўқ. Ойбек ҳам “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” китобида қиссани яхши баҳоламайди, асарда колхозлаштириш, синфиийлик руҳи етакчилик қилишини алоҳида таъкидлайди.

Қодирий ўз фаолияти давомида матбуот соҳасида ҳам аҳамиятли ишлар қилди. “Муштум” журналининг ташкил этилиши адаб номи билан боғлиқdir. Ёзувчи бир қатор илмий-публицистик, адабий-танқиций мақолалар ёзди. “Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан”, “Тошпўлат тажанг нима дейди?”, “Ширвон хола нима дейди?” каби сатирик асарлари билан ўз журналини бойитди. Муаллиф бу асарларида инсон характеридаги ёмон иллатлар, қусурлар устидан кулади. Мазкур асарларида ёзувчи ўтмишнинг ва ўзи яшаётган давр турмушининг даҳшатли манзараларини заҳарханда қаҳқаҳа воситасида гавдалантириб, чина кам ҳажвий характерлар яратиш бобида катта маҳорат эгаси эканлигини намойиш қиласи. XX аср ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган Абдулла Қодирий 1938 йилда қатағон даврининг курбони бўлди.

Адабиётлар

- 1.“Ўтган кунлар”, “Мехробдан чаён”, Т., F.Ғулом номли нашр. 1992.
2. “Обид кетмон”. Т., Ўззадабийнашр, 1960.
3. Кичик асарлар. Т., Ўззадабийнашр, 1969.
4. Норматов У. Қодирий боки. Т., “Ёзувчи”, 1995.
5. Кўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. Т., “Фан”. 1994.



АДАБИЁТ: АРАБ ХИТОБАЛАРИДА ИСТИОРА САНЬЯТИ

Джураева Феруза Шукуровна
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Араб филологияси” кафедраси ўқитувчisi
Телефон: +998 90 9309497
fairuz1@yandex.ru

Аннотация: Ушбу мақолада араб адабиёти тарихида ўзига хос муҳим ўрин тутган қадим арабий насрый жанр-хитобаларда илк бадиий санъатлардан бири истиора санъатининг қўлланилиши ҳақида маълумот берилган. Муаллиф энг қадим замонларда ёқ араб халқининг нутққа катта аҳамият бергани ва бу тилнинг жуда катта луғат заҳирасига эга эканлиги исломгача бўлган даврларда ёқ тўсатдан айтилган хитобаларда кўплаб бадиий санъатлар, хусусан истиора санъатидан самарали фойдалангандикларини ажойиб намуналар орқали исботлаб беради.

Калит сўзлар: истиора, бадиий санъатлар, араб халқи, хитобалар, образлилик, нотиқлик.

Араблар тарихига бағишлиланган китобларнинг бирида “дунёдаги бирор халқ, эҳтимолки, бадиий таъбирдан арабларчалик кўп фаҳрланмаса керак ва уларчалик сўз санъатида, хоҳ ёзма ва хоҳ оғзаки бўлсин, ўзларини кўчира олмасалар керак,” деган таъриф бор.¹ Буни тўлиқ маъқуллаган ҳолда яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, бунда араб тилининг илоҳий табиати араблар лисоний сезгисининг нозиклашувига ҳам ҳисса қўшган. Адабий асарда сўз тўғри ёки кўчма маънода қўлланилади. Агар асар тилида сўз тўғри маъносида эмас, балки кўчма маънода ишлатилса, у маҳсус бадиий тасвир воситаси бўлиб келган ҳисобланади. Ўз номи билан сўз санъатининг юксак тажассуми, ҳар қандай тилнинг bemisл ва чегарасиз имкониятлари қудратини ўзида намоён этувчи нотиқлик анъанаси, хусусан, араб нотиқлик санъати намуналари – хитобаларда ҳам бундай бадиий санъатлардан жуда кўп, самарали ҳамда юксак балоғат, маҳорат билан фойдаланилган. Араб хитобаларида бадиий санъатларни қўллаш бадиий образлилик яратишдаги асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Бундай санъатларнинг вазифаси факат адабий асарга зийнат, безак беришдангина иборат эмас, балки мазмунни таъсирчан, ёқимли, ишонарли, ҳаққоний қилиб етказиши, энг асосийси, хитоба руҳини, хатибнинг кайфияти ва фикрини, тингловчиларга “юқтириш” ва шу орқали таъсир этишдир.

Араб хитобаларида хатиблар маҳоратига уйғун равишида бундай санъатлар, кўпинча, бири иккинчисига таъсир этмаган ҳолда бир хитобада, бир лексик бирликда ҳосил қилинган.

Араб хитобларида етакчилик қилган асосий маъновий бадиий санъатлардан бири истиора санъати бўлиб, у илк араб поэтик тасаввурлари ҳақидаги асар – Ибн ал-Мұтазнинг “Китаб ал-бадиъ”²сида алоҳида бобда ёритилган. Муаллифнинг ёзишича, “Биз китобимизда расулуллоҳ (САВ) ҳадисларининг иснодини келтирмадик. Агар келтирсак, ишимиз чўзилиб кетар эди. Шунинг учун энг машҳур (ва сахих) ҳадисларни келтирамиз!”³

Ибн ал-Мұтазнинг асарида ўзи таъкидлаганидек, эски, яъни Қуръони Карим, ҳадиси шариф ва хатиблар нутқидаги бадиият унсурлари таҳлил қилинган. Бу Ибн ал-Мұтазни илк руҳлантирган ва поэтика масалаларини ўрганишга ундан омил ана шу қадим манбалар ва улардаги бадиийлик намуналари эканлигини тасдиқлайди. Ўрта аср араб хитобаларининг аксариятида учраган бадиий санъатлар Ибн ал-Мұтазнинг асарида ёритилган.

“Истиора” (арабчада – омонатга олиш; метафора юончада – кўчириш) – кўп қўлланиладиган поэтик кўчимлардан бири. “Истиоранинг маъноси бир нарсани орият

¹Philip, K. Xitti “History of the Arabs” p-90 Available at: www.thecsspoint.com

²Қаранг: Ҳ.Болтабоев “Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари”, – С.231.

³Шу манба, шу бет.



(омонат)га олиш бўлиб, унинг моҳияти ҳар сўзниң ҳақиқий маъноси бўлиб, шоир сўзни шу маъно нуқтаи назаридан нақл қиласи ва бошқа ўринда ўша сўзни орият учун (бошқа маънода) ишлатади. Агар истиора табиий бўлса, сўзга гўзаллик бағишлайди”, - деб ёзган шеършунос олим Рашидиддин Ватвот⁴.

Шу ўринда истиора санъати ҳақидаги назарий фикрларимиздан уларнинг араб хитобаларида қўлланилишига оид амалий мисолларга кўчамиз.

Жоҳилият даври хитобаларидаги истиоралардан намуналар:

لَا نُنْسَطِوا عَقْلَ الشَّوَارِدِ وَ لَا تَلْتَحُوا عَوْنَانِ الْقَوَاعِدِ وَ لَا تُؤْرِثُوا نَبِرَانِ الْأَحْقَادِ فِيهَا الْمُتَّفَاقُ مِنْهَا صَلَةٌ وَ الْجَاءَةُ وَ الْأَلِيلَةُ وَ عَفْوًا بِالْحَمْ وَ أَبْلَادُ الْكَمْ وَ أَنْبَيْوَا إِلَى السَّبِيلِ الْأَرْشِدِ وَ الْمَنْهَاجِ الْأَقْصَدِ فَإِنَّ الْحَرْبَ تَقْبَلُوا بِزِبْرِ الْغَرْوُرِ وَ ثَدِيرَ بَالْوَيْلِ وَ الثُّبُورِ

“Эски ва янги ипларни боғламанглар, беваларини юкли қилманглар, (бу иш) қоидага айланмасин. (Бу ибора аслида түя ҳақида айтилган ва масал бўлиб кетган, яъни “бия ўз уюридан ажраб кетди ва бошқа уюрнинг кучли айғир туясидан юкли бўлди”. Арабларда бесабаб уруш бошланса, ана шундай семантик фразеологизм қўлланилган). Яширин адоват оловларини алангалатманглар, уларда (урушлар)да илдизи билан суғуриб олувчи талафот-офатлар, энг яқин кишилардан жудоликлар бордир. Ақл билан жароҳат яраларини битиринглар. Тўғри йўлга тушмоқ учун шафқат сўраб илтижо қилинглар, мақсадга элтувчи йўл сўранглар. Дарҳақиқат, уруш такаббурлик зеб зийнатларига юзланади, бало ва ҳалокат олиб келади”⁵.

Нотиқ “эски ва янги ипларни боғламанглар” дейиш билан инсонлар ўртасидаги муносабатларни ипларга ўхшатади, “боғламанглар” сўзи орқали эса “эски гина-адоватларни янгиламанглар” демокчи бўлган. Бу истиоравий мажоз санъатига мисолдир. “Яширин адоват оловини алангалатманглар” жумласидаги *яширин адоват* – сифатлаш, *яширин адоват олови* эса истиоравий муболаға. Адоватнинг оловга нисбатланиши ва унинг алангаланиши мажоз характерида бўлиб, бунда нотиқ қабилалар ўртасидаги урушларни назарда тутади. “Ақл билан жароҳат яраларини битиринглар” жумласидаги *жароҳат яраси* кучайтирилган, иккилантирилган истиора, чунки урушнинг ўзи – жароҳат, жароҳатнинг яраси – унинг оғир асорати. “Дарҳақиқат, уруш такаббурлик зеб зийнатларига юзланади бало ва ҳалокат олиб келади” жумласида образли жонлантириш санъати намоён бўлган.

Таҳлиллар янада асосли бўлиши учун илк ислом даври хитобаларидаги истиоралардан намуналарни таҳлилга тортамиз:

Иккинчи одил халифа Умар бин ал Хаттоб хитобасидан парча⁶:

، وَ إِنْ لِلْعَدْلِ أَمَارَاتٍ وَ تَبَاشِيرٍ، فَأَمَّا الْأَمَارَاتُ: فَالْحَيَاءُ وَ السُّخَاءُ وَ الْهَيْئَنُ وَ الْلَّيْنُ. وَ أَمَّا التَّبَاشِيرُ: فَالْرَّحْمَةُ، وَ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ أَمْرًا بَابًا، وَ يَسِّرْ لَكُمْ كُلَّ بَابٍ مَفْتَاحًا. فَبَابُ الْعَدْلِ الْأَعْتَبَارِ وَ مَفْتَاحُهُ الزَّهْدُ وَ الْاعْتَبَارُ ذَكْرُ الْمَوْتِ بِتَذْكِرِ الْأَمَوَاتِ، وَ الْإِسْتَعْدَادُ لِهِ بِتَقْدِيمِ الْأَعْمَالِ

“Дарҳақиқат, адолатнинг белгилари, ундан дарак берувчи нишоналари (аломатлари) бордир. Аммо белгиларига келсак, улар хаё (тавба), саховат, осонлик ва юмшоқликдир. Аммо унинг аломатларига келсак (даракчиларига), у раҳматдир. Аллоҳ таоло аллақачон (бу) ишини эшик килиб қўйибди. Ва сизларга ҳар бир эшик учун калитни ҳам тайёрлабди. Адолат эшиги бу эътибордир, унинг калити эса зухд, эътибор эса ўлганларни хотирга олиш йўли (қилган), ишларни тақдим этишга таййоргарлик орқали ўлимни зикр этишдир.

Ушбу хитобадаги мазмунан теран истиоралар адолатнинг юксак инсоний фазилатлар билан тенглаштирилиши, бу фазилатларнинг “эшик ва калит”га ўхшатилиши натижасида кучли фалсафий мазмун юксак бадиий шаклда ифода топган.

Бошқа бир хитобадан олинган парчадаги истиора нотиқ хитобасини янада жозибали қилган ва бу билан тингловчиларни ўйлашга, англашга ундаган: "... إنَّهَا بُنُو أَصْفَرَ حَدَّ حَدِيدٍ، وَ ..."

⁴Каранг: Т. Муродий. Истиора. Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 6-сон,— С. 78—80.,яна Ҳожиахмедов А.,Мумтоз бадиият малоҳати, – С.53.

⁵Сафут А.З. Жамҳарату хутаб ал-араб. Ж. 1. – С.12.,Мурсад ал-Хайрнинг хитобасидан парча.

⁶Шу манба, – С.,224.,Умар бин ал Хаттоб хитобасидан парча.



"رَكِنٌ شَدِيدٌ، وَ اللَّهُ مَا أَرَى أَنْ تُقْحِمَ الْخَيْلَ، إِلَيْهِمْ إِقْحَامًا..." – "дарҳақиқат, шубҳа йўқки, Асфар қабиласи мустаҳкам тўсиқ, чегара ва кучли устундир"⁷.

Ушбу истиорада нотик бану Асфар (қабила номи)нинг қанчалар кучли рақиблиги ва обрў-эътиборининг юқори эканлигини таъкидламоқчи бўлган. Қолаверса, "хаддун" сўзининг бошқа маънолари ҳам унинг ўзакдоши "ҳадид" билан келиб, янада кенгроқ маъновий ассоциацияларни ҳосил қилган. Масалан, ўткир тифли тўсиқ – ҳарбий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрган рақиб. Ёки "рукнун шадид" ибораси "кучли устун" маъносидан ташкари, устунлар кучи уларнинг ер остига қанчалар чуқур кириши ва яна ер устида қанчалар баланд туришига нисбатланса, бану Асфар иттифоқчиларининг қўплиги, бошқа қабилалар билан яхши муносабат ўрнатгани учун юқори кўтарилиган ҳамда географик жойлашувининг ҳимояланишга қулайлиги жиҳатидан устуннинг ер остига чуқур ўрнашганига ишора қилинган.

Адабиётлар

1. Hitti,P. K. (1967).History of the Arabs. London, Available at: www.thecsspoint.com
2. Болтабоев X., Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари, - Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2006.
3. Муродий. Т, Истиора. Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 6-сон.
4. Ҳожиахмедов А., Мумтоз бадиият малоҳати. — Т., Шарқ, 1999.
5. Сафут А.З., Жамхарату хутаб ал-араб.,ж-1,ал-мактабату ал-илмиййату, Ал-Қоҳирату, 1933.

⁷Сафут А.З. Жамхарату хутаб ал-араб. Ж. 1. – С.191., Абдурахмон бин Авғ хитобасидан парча.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(8-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000